



## RESEARCH OF THE DISTRIBUTION AND TRANSMISSION OF COVID-19 INFECTION

Ismailov K. Ya.

Ph.D.

Abdullaev I. K.

Head of the Department, Urgench branch of the Tashkent Medical Academy,

Department of Community Health and Public Health Management

Ph.D. Tel: 0 (362) 2248484; fax: 224 8484 E-mail: ttaurgfil@umail.uz

### Abstract

This article analyzes the prevalence of COVID-19 infection among the urban and rural population, the age and sex of patients, the course of the disease depends on the person's age, the presence of chronic diseases, outpatient and inpatient treatment, the prevalence of coronavirus, and also analyzes the relationship with the human factor.

**Keywords:** COVID-19, prevalence, health, morbidity, population, age, human factor, research.

### Аннотация

Мазкур мақолада COVID-19 инфекциясининг шаҳар ва қишлоқ аҳолиси, беморларнинг ёши ва жинси орасида тарқалиши, касалликнинг кечиши одамлар ёшига, сурункали касалликлар мавжудлигига боғлиқлиги, амбулатор ва стационар шароитда даволаниш ҳолатлари ҳамда коронавируснинг тарқалиши инсон омили билан боғлиқлиги таҳлил этилган.

Калит сўзлар: COVID-19, тарқалиши, саломатлик, касалланиш, аҳоли, ёш, инсон омили, ўрганиш.

### Аннотация

В статье анализируется распространенность инфекции COVID-19 среди городского и сельского населения по полу и возрасту пациентов, течение заболеваемости, зависящее от возраста людей и наличия хронических заболеваний, амбулаторное и стационарное лечение, а также распространенность коронавирусной инфекции, связанная с человеческим фактором.

Ключевые слова: COVID-19, распространность, здоровье, заболеваемость, население, возраст, человеческий фактор, изучение.



**Кириш.** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, коронавирус инфекциясининг тарқалиши ва ўлим ҳолатлари ўсишда давом этмоқда. Унинг бош директори Тедрос Адханом Гебрейесу коронавирус тарқалиши дунёда энг юқори чўққисига чиқишини башорат қилиб, дунё бўйлаб ҳафталик янги ҳолатлар сони сўнги икки ойда деярли икки баробар ўрганишини маълум қилди [1]. Дунёда коронавируснинг шиддат билан тарқалаётганлиги сабабли Президентимиз Шавкат Мирзиёев аҳолини коронавирусга қарши эмлаш ишларини бошлаш ҳамда бир ой муддатда биринчи навбатда эмланиши зарур бўлган аҳоли тоифасини белгилаб, уларнинг электрон рўйхатини шакллантириш бўйича топшириқ берди. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 15 февралдаги 31-сонли буйруғига асосан, аҳоли орасида коронавирусга қарши эмлаш ишлари бошланди.

Апрел ойи бошида Гебрейесу дунёда коронавирусдан ўлим кўпайганлигини маълум қилиб, COVID-19га қарши қурашибининг ягона усули эмлаш эмаслигини таъкидлаб, ижтимоий масофани сақлашга, ҳимоя ниқобларини тақишига, ўзини изоляция қилишга ва бошқа чораларга мурожаат қилишга чақирди [1].

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларида, COVID-19 инфекцияси 80% ҳолларда жуда енгил ва ҳатто, умуман симптомларсиз, 15,0 % ҳолларда эса енгил, фақат тахминан 5,0 % игина оғир кечиши маълум қилинган. Шу билан бирга, 40 ёшгача бўлган bemorlar учун юз бериши мумкин бўлган ўлим эҳтимоллиги тахминан 0,2%га, 60 ёшдан ошган bemorlar учун 3,0 %га ва 80 ёшдан ошганлар учун деярли 15,0 %га этиши маълумотларда келтирилган [2].

Шуни алоҳида такидлаб ўтиш лозимки, олиб борилган тадқиқотларда келтирилишича, “COVID-19 қасалхонаси”га ётқизилганларнинг ҳамда ўлим хавфининг кўпайишига олиб келганларнинг асосий қисмини ортиқча вазнга эга одамлар, тамаки истеъмол қиласиганлар ва қон босими мавжуд бўлган bemorlar ташкил қилган [3]. Қандли диабет қасаллиги “COVID 19”нинг оғир кечиш хавфини сезиларли даражада ошириши аниқланган, айниқса семизлик мавжуд бўлганда бу яққол намоён бўлган. Яъни 14,3 % енгил ҳолатларга нисбатан, 34,6% оғир ҳолатларда диабет бўлганлиги келтирилади [4].

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, ҳозирги даврда бутун дунё аҳолисини қийнаётган йириқ, глобал муаммо COVID-19 инфекцияси бўлиб, унинг тарқалишидаги ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, тарқалишининг олдини олишга қаратилган чораларни белгилаш стратегик аҳамиятга эгалигича қолмоқда.



**Тадқиқот мақсади.** Қорақалпоғистон Республикаси Беруний тумани аҳолиси орасида COVID-19 инфекциясининг тарқалиши, кечиши ва ёшга доир хусусиятларини ўрганишдан иборат.

**Материаллар ва услублар.** Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманида 2020 йилнинг 1 июнидан 6 октябргача бўлган даврда мониторинг олиб борилган “Covid-19 инфекцияси” билан касалланган 614 нафар bemorlarning тиббий хужжатлари ўрганилди.

Ўрганиш давомида тўпланган материалларни тахлил қилишда ижтимоий-гигиеник ва санитария-статистик усуллардан фойдаланилди.

**Натижа ва муҳокама.** Мониторинг олиб борилган 614 нафар bemorning 52,8%ини (329) эркаклар, 47,2 % ини (294) аёллар, 47,5 %ини (296) шаҳар, 52,5 %ини (327) қишлоқ аҳолиси ташкил қилди (1 жадвал).

1 Жадвал Шаҳар ва қишлоқларда COVID -19 касаллигининг bemorlar ёши ва жинслари бўйича тарқалиши (%)

Беморларнинг ёшлари	Шаҳар		Қишлоқ	
	Эркаклар	Аёллар	Эркаклар	Аёллар
15-24 (п=42)	23,8	23,8	23,8	28,6
25-34 (п=109)	26,6	15,6	37,6	20,2
35-44 (п=128)	21,8	21,8	29,7	26,7
45-54 (п=155)	21,2	23,9	31,0	23,9
55-64 (п=109)	18,3	23,0	32,1	26,6
65-74(п=57)	26,3	29,8	22,8	21,1
75 ёш ва ундан катталарап(п=14)	28,5	21,4	35,7	14,2
Жами п=614	22,6	22,3	31,0	24,1

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, ўрганилган аҳоли орасида коронавирус инфекцияси аёлларга нисбатан эркакларда (53,6%), шаҳар аҳолисига нисбатан қишлоқ аҳолисида (55,1%) қўпроқ кузатилди.

Ёши бўйича 15 ёшдан 24 ёшгacha бўлганлар 6,8%ни (42), 25 ёшдан 34 ёшгacha бўлганлар 17,8%ни (109), 35 ёшдан 44 ёшгacha бўлганлар 20,8%ни (128), 45 ёшдан 54 ёшгacha бўлганлар 25.2%ни (155), 55 ёшдан 64 ёшгacha бўлганлар 17,8 %ни (109), 65 ёшдан 74 ёшгacha бўлганлар 9,3 % ни (57), 75 ёш ва ундан катталарап 2,3 % ни (14) ташкил қилди.

Кўриниб турибдики, коронавирус инфекцияси катта ёшдаги аҳоли орасида кўп учраб, 52,3 %ни 45 ёш ва ундан катта ёшдагилар ташкил қилди. Шулардан 28,1 %и



эркаклар, 26,3 %и аёллар, 25,1 %и шаҳар 29,4 %и қишлоқ аҳолиси ҳиссасига тўғри келди.

Эътиборли жиҳати шуки, касалликка чалингандарнинг 70,4% и (432) аҳоли орасида, 29,6 %и (182) bemor билан мулоқот вақтида коронавирус инфекциясини юқтириб олган. Беморлар билан мулоқотда коронавирус инфекциясини юқтириб олганларнинг 21,9%ини (40) тиббиёт ходимлари ташкил қилди. Демак, коронавирус инфекциясининг олдини олишда нафақат санитария-гигиеник қоидаларга қатъи риоя қилиш, балки шахсий химоя воситаларидан оқилона ва тўғри фойдаланиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Касалликнинг енгил ва оғир кечиш даражаси, амбулатор ҳамда стационар шароитда даволангандик ҳолатлари ўрганилди (2-Жадвал).

### Жадвал 2 COVID -19 билан касалланганларнинг амбулатор ва стационар даволанишлар бўйича тақсимланиши (%)

Ёшлиари Даволангандик	15-24	25-34	35-44	45-54	55-64	65-74	75<	Жами
Амбулатор п=521	7,5	19,8	22,2	25,0	16,0	7,2	2,3	84,8
Стационар п=93	3,2	6,5	13,0	26,8	27,9	20,4	2,2	15,2

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, коронавирус инфекцияси аниқланган bemorларнинг 84,8 %и амбулатор шароитда, 15,2 % истационарда даволангандик. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларида, COVID-19 инфекцияси 80% ҳолларда жуда енгил ва ҳатто, умуман симптомларсиз, 15,0 % ҳолларда эса енгил, фақат тахминан 5,0 % игина оғир кечиши маълум қилинган [2].

Амбулатор шароитда даволангандик bemorларда касаллик енгил ва ўртача оғир кечган. Енгил кечган bemorларнинг аксариятида касаллик таъм сезиш ва ҳид билишининг йўқолиши, қисқа муддат тана ҳароратининг кўтарилиши билан бошланган. Оғир кечган bemorларни узоқ муддат тана ҳароратининг кўтарилиши, йўтал, нафас сиқиши безовта қилган.

Эътиборли жиҳати шуки, касалликнинг оғир ва енгил кечиши унинг клиник белгилари намоён бўлиши ҳамда қўшимча сурункали касалликлар борлиги билан ҳам боғлиқ. Стационар шароитда даволангандик bemorларнинг аксариятида юрак қон-томир, қандли диабет 2 тип, ортиқча тана вазн сингари қўшимча касалликлар борлиги аниқланди.

Стационарда даволангандарнинг 77,3 %и 45 ёш ва ундан катта ёшдаги bemorлар ҳиссасига тўғри келди. Шулардан: 27,9 %ини 55 ёшдан 64 ёшгача, 26,8%ини 45 ёшдан 54 ёшгача, 20,4%ини 65 ёшдан 74 ёшгача бўлган bemorлар ташкил қилди.



Олинган намуна натижалариға күра стационарға ётқизилгандарнинг 91,3 %ида Covid-19 инфекцияси тасдиқланган, 8,6 %ида тасдиқланмаган. Амбулатор шароитда даволанганларнинг 85,6%ида (446) коронавирус инфекцияси тасдиқланган, 14,4%ида (75) клиник белгилариға күра даволанишлар буюрилган. Бемор билан мулоқот жараёнида коронавирус инфекциясини юқтириб олган 21,9 % (40) тиббиёт ходимларида Covid-19 инфекцияси тасдиқланган бўлиб, 3 нафари касалхонада 37 нафари амбулатор шароитда даволанган.

### **Хулосалар:**

1. Коронавирус инфекциясининг тарқалиши одамлар ёшига, кечиши ва оғирлик даражаси эса, қўшимча сурункали касалликлар мавжудлиги ҳамда клиник белгиларнинг ўзига хослиги билан боғлиқ. Катта ёшли ва сурункали касаллиги бўлган bemorларда ҳамда узоқ муддат тана ҳароратининг кўтарилиши, йўтал, нафас сиқиши каби клиник белгилар мавжудлигига касаллик оғир кечган;
2. COVID-19 инфекцияси енгил кечганлиги сабабли аксарияти bemorлар амбулатор шароитда даволанган. Коронавируснинг тарқалишида ўзига хос хусусиятлар мавжуд бўлиб, тарқалиш қўлами кўп ҳолларда инсон омили билан боғлиқ. Одамларнинг белгиланган санитария-гигиеник қоидаларга қатъий риоя қилишлари ҳамда шахсий химоя воситаларидан оқилона ва тўғри фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги қунда пандемияга қарши қурашибининг ягона усули коронавирус инфекциясига қарши эмлаш ҳамда никоб тақиши, ижтимоий масофани сақлаш, антисептик воситалардан фойдаланиш, ўзини изоляция қилиш каби чораларни қўллашдан иборат.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. <https://lenta.ru/news/2021/04/17/pik/> ВОЗ спрогнозировала пик распространения коронавируса.
2. Данные Всемирной организации здравоохранения. Доступного: <https://www.who.int/ru/emergencies/diseases/novel-coronavirus-2019>.
3. К.В. Жмеренецкий, А.В. Витько, Т.А. Петричко, Л.Г. Витько, Н.В. Воронина, Ю.М. Бухонкина, О.В. Ушакова, Е.Н. Сазонова, А.Л. Дорофеев, Е.В. Неврычева. Сложные вопросы ведения пациентов с COVID-19, коморбидных по сердечно-сосудистым заболеваниям и сахарному диабету 2 типа. Дальневосточный медицинский журнал. – 2020. - № 2.
4. М.Р.Рахметова. Влияние COVID-19 на течение сахарного диабета и ожирения. Сборник материалов международной online научно-практической конференции. 10 декабря 2020 года.



## Регистрация картаси

1. ОТМ номи Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали
2. Ф.И.Ш. Исмаилов Кенжабой Янгибаевич
3. Кафедра номи Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш
4. Илмий даражаси Тиббиёт фанлари номзоди
5. Лавозими Ассистент
6. Телефон+99899 680 44 20